

ПОСТАНОВЛЕНИЕ

КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ОБ ОРГАНИЗАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ГОСУДАРСТВЕННЫХ МУЗЕЙ-ЗАПОВЕДНИКОВ «САРМИШСОЙ», «ШАХРИСАБЗ», «ТЕРМИЗ» И «КУКАНД»

г. Ташкент,

30 мая 2019 г.,

№ 443

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

«САРМИШСОЙ», «ШАХРИСАБЗ», «ТЕРМИЗ» ВА «ҚЎҚОН» ДАВЛАТ МУЗЕЙ-ҚЎРИҚХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4068-сон қарори ижроси юзасидан, шунингдек, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларидаги моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, уларнинг атрофидаги тарихий муҳит билан бирга асраш ва улардан оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4068-сон қарорига мувофиқ Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида тегишлича «Сармишсой», «Шаҳрисабз», «Термиз» ва «Қўқон» давлат музей-қўриқхоналари ташкил этилганлиги маъламот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

«Сармишсой» давлат музей-қўриқхонаси — Навоий вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи филиали сифатида;

«Шаҳрисабз» давлат музей-қўриқхонаси — Қашқадарё вилояти Амир Темур номидаги Шаҳрисабз шаҳар Моддий маданият тарихи музейи негизида;

«Термиз» давлат музей-қўриқхонаси — Сурхондарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи негизида;

«Қўқон» давлат музей-қўриқхонаси — Фарғона вилоятидаги Қўқон маданияти тарихи давлат музейи негизида ташкил этилади.

3. Навоий вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи, «Сармишсой», «Шаҳрисабз», «Термиз» ва «Қўқон» давлат музей-қўриқхоналарига ижара ҳақининг «ноль» ставкасига асосан бириктириладиган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари рўйхати **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

«Сармишсой», «Шаҳрисабз», «Термиз» ва «Қўқон» давлат музей-қўриқхоналари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидаги давлат муассасалари ҳисобланади;

«Шаҳрисабз», «Термиз», «Қўқон» давлат музей-қўриқхоналари тегишли равишда Қашқадарё вилояти Амир Темур номидаги Шаҳрисабз шаҳар Моддий маданият тарихи музейи, Сурхондарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи, Қўқон маданияти тарихи давлат музейининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Навоий вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи, «Шаҳрисабз», «Термиз» ва «Қўқон» давлат музей-қўриқхоналари фаолиятини молиялаштиришнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги икки ой муддатда Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда тегишлича «Сармишсой», «Шаҳрисабз», «Термиз» ва «Қўқон» давлат музей-қўриқхоналарининг юқори малакали, ташаббускор, музейлар ҳамда маданий мерос масалалари бўйича зарур билим ва амалий тажрибага эга кадрлар билан тўлдирилишини таъминласин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «2017 — 2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чоратadbирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида» 2017 йил 11 декабрдаги 975-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг маданият вазири Б.С. Сайфуллаев зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, маданият, маънавият, оммавий ахборот воситалари, ижодий ва жамоат ташкилотлари масалалари котибиятига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 май,
443-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 майдаги 443-сон қарорига
1-ИЛОВА

Навоий вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи, «Шаҳрисабз», «Термиз» ва «Қўқон» давлат музей-қўриқхоналарига ижара ҳақининг «ноль» ставкасига асосан бириктириладиган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари

РЎЙХАТИ

Т/р	Объект номи	Объект жойлашган манзил	Объект мулкдори
I. Навоий вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи			
1.	Навоий вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи	Навоий вилояти, Кармана тумани, Садоқат кўчаси, 17-уй	Навоий вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи

2.	Қосим Шайх мажмуаси	Навоий вилояти, Кармана тумани, Садоқат кўчаси, 14-уй	Навоий вилояти маданий мерос бошқармаси
3.	Қизилтепа тумани тарихи музейи	Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, Ўзбекистон шох кўчаси, 1-уй	Қизилтепа тумани маданият бўлими
4.	Сармишсой давлат музей-қўриқхонаси	Навоий вилояти, Навбахор тумани, Олчин МФЙ	Навоий вилояти маданий мерос бошқармаси
II. «Шаҳрисабз» давлат музей-қўриқхонаси			
5.	Чубин мадрасаси	Шаҳрисабз шаҳри, Амир Темур хиёбони	Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси
6.	Шаҳрисабз шаҳрининг тарихий қальаси	Шаҳрисабз шаҳри, Амир Темур хиёбони	
7.	Чорсу савдо гумбази	Шаҳрисабз шаҳри, Жаҳонгир кўчаси	
8.	Археология топилмаси (хаммом)	Шаҳрисабз шаҳри, «Шаҳрисабз тарихий майдони»	
9.	Малик Аждар масжиди	Шаҳрисабз шаҳри, «Шаҳрисабз тарихий майдони»	
10.	Абдушукур Оғолик масжиди масжид биноси	Шаҳрисабз шаҳри, «Шаҳрисабз тарихий майдони»	
11.	Кунчиқар масжиди	Шаҳрисабз шаҳри, «Шаҳрисабз тарихий майдони»	
III. «Термиз» давлат музей-қўриқхонаси			
12.	Зурмулла минораси	Термиз тумани	Сурхондарё вилояти маданий мерос бошқармаси
13.	Зараутсой	Сурхондарё вилоят, Шеробод тумани	
14.	Жарқўрғон минораси	Жарқўрғон тумани	
15.	Эски Термиз (Чингизтепа)	Термиз тумани	
16.	Далварзинтепа	Шўрчи тумани	
17.	Кампиртепа	Музрабод тумани	
IV. «Қўқон» давлат музей-қўриқхонаси			
18.	Худоёрхон ўрдаси	Қўқон шаҳар, Истиклол кўчаси, 2-уй	Фарғона вилояти маданий мерос бошқармаси
19.	Жомеъ масжид-мадрасаси	Қўқон шаҳар, Ҳамза кўчаси, 9-уй	

20.	Музей учун қурилган махсус бино	Қўқон шаҳар, Янги Чорсу кўчаси, 266-уй
21.	Собиқ давлат банки биноси	Қўқон шаҳар, Истиқлол кўчаси, 69-уй
22.	Соҳибзода Ҳазрат (Миён Ҳазрат) мадрасаси	Қўқон шаҳар, Муқимий кўчаси, 7-уй
23.	XIX аср ўзбек хонадони	Қўқон шаҳар, Тароқчилик кўчаси, 30-уй
24.	Норбўтабий мадрасаси	Қўқон шаҳар, Бекбўтабек кўчаси, 69-уй
25.	«Даҳмаи Модари хон» мақбараси	Қўқон шаҳар, «Катта қабристон» қабристони
26.	Дастурхончи мадрасаси	Қўқон шаҳар, Тинчлик кўчаси, 20-уй
27.	Тепакўрғон археологик ёдгорлиги	Қўқон шаҳар, Пўстиндўз кўчаси

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 майдаги 443-сон қарорига
2-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «2017 — 2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида» 2017 йил 11 декабрдаги 975-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 2а-иловада (2017 — 2027 йилларда қайта ташкил этиладиган давлат музейлари рўйхати):

а) 12-позициянинг «Қайта ташкил этиладиган музейнинг номи» устунидаги «Сурхондарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи» сўзлари «Термиз» давлат музей-кўриқхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 17-позициянинг «Қайта ташкил этиладиган музейнинг номи» устунидаги «Қўқон маданияти тарихи давлат музейи» сўзлари «Қўқон» давлат музей-кўриқхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 18 ва 19-позицияларнинг «Қайта ташкил этиладиган музейнинг номи» устунидаги «Қўқон маданияти тарихи давлат музейининг» сўзлари «Қўқон» давлат музей-кўриқхонасининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 3-иловада (2018 — 2027 йилларда давлат музейлари биноларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг манзилли дастури):

а) «Реконструкция» бўлими 6-позициясининг «Музейлар номи» устунидаги «Сурхондарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи» сўзлари «Термиз» давлат музей-кўриқхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) «Мукамал таъмирлаш» бўлимида:

26-позициянинг «Музейлар номи» устунидаги «Амир Темура номидаги Шахрисабз шаҳар Моддий маданият тарихи музейи» сўзлари «Шахрисабз» давлат музей-қўриқхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

44-позициянинг «Музейлар номи» устунидаги «Қўқон тарихи ва маданияти музейи» сўзлари «Қўқон» давлат музей-қўриқхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

45-позициянинг «Музейлар номи» устунидаги «Қўқон тарихи ва маданияти музейининг Қўқон адабиёти музейи филиали» сўзлари «Қўқон» давлат музей-қўриқхонасининг Ғафур Ғулом номидаги Қўқон адабиёти музейи филиали» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 47 — 49-позицияларнинг «Музейлар номи» устунидаги «Қўқон тарихи ва маданияти музейининг» сўзлари «Қўқон» давлат музей-қўриқхонасининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. 4-илова (Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган музейлари, уларнинг филиал ва бўлимлари рўйхати) қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган музейлари, уларнинг филиал ва бўлимлари

РЎЙХАТИ

Т/р	Музей номи	Жойлашган ҳудуд
Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштириладиган музейлар		
1.	Ўзбекистон давлат санъат музейи	Тошкент шаҳри
2.	Ўзбекистон тарихи давлат музейи	Тошкент шаҳри
3.	Темурийлар тарихи давлат музейи	Тошкент шаҳри
4.	Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи	Тошкент шаҳри
5.	Олимпия шон-шухрат музейи	Тошкент шаҳри
6.	Давлат геология музейи	Тошкент шаҳри
7.	Қуролли кучлар тарихи давлат музейи	Тошкент шаҳри
8.	Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи	Тошкент шаҳри
9.	Соғлиқни сақлаш музей	Тошкент шаҳри
10.	Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи	Тошкент шаҳри
11.	Халқаро маданият қарвон саройи	Тошкент шаҳри
Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан молиялаштириладиган музейлар		
1.	Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи ҳамда унинг қуйидаги филиаллари:	Нукус шаҳри
	Мўйноқ Экология музейи	Мўйноқ тумани
	Элликқалъа тумани археология ва тарих музейи	Элликқалъа тумани
2.	И.В. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи	Нукус шаҳри
3.	Андижон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи ҳамда унинг қуйидаги бўлим ва филиаллари:	Андижон шаҳри
	Адабиёт ва санъат бўлими	Андижон шаҳри

	Бобур ёдгорлиги бўлими	Андижон шаҳри
	Пахтаобод туман тарихи музейи	Пахтаобод тумани
	Тасвирий санъат бўлими	Андижон шаҳри
	Чўлпон ёдгорлиги бўлими	Андижон шаҳри
4.	«Бухоро» давлат музей-қўриқхонаси ҳамда унинг қуйидаги бўлим ва филиаллари:	Бухоро шаҳри
	Абу Али ибн Сино мемориал музейи	Пешкў туман
	«Арк» вилоят ўлкашунослик музейи	Бухоро шаҳри
	Бой савдогар хонадони уй-музейи	Бухоро шаҳри
	Бухоро адабиёти тарихи музейи	Бухоро шаҳри
	Бухоро кулолчилик ва варахша тарихи кўрғазмаси	Бухоро шаҳри
	Бухоро сув таъминоти музейи	Бухоро шаҳри
	Бухоро тарихи музейи*	Бухоро шаҳри
	Бухоро тасвирий санъат музейи	Бухоро шаҳри
	Бухорода ҳуқуқ ва қонунчилик тарихи музейи	Бухоро шаҳри
	Гилямбофлик музейи	Бухоро шаҳри
	Ёғоч ўймакорлиги кўрғазмаси	Бухоро шаҳри
	Имом ал-Бухорий хотира музейи	Бухоро шаҳри
	Қадимий Пойкент шаҳарчаси тарихи музейи	Қорақўл тумани
	Мохи-Хосса амалий безак санъати музейи	Бухоро шаҳри
	Мутал Бурхонов уй музейи*	Бухоро шаҳри
	Нақшбандия тариқати музейи	Когон тумани
Ромитан туман тарихи музейи	Ромитан туман	
Темирчилик ҳунари тарихи музейи	Бухоро шаҳри	
Хаттотлик тарихи музейи	Бухоро шаҳри	
5.	Жиззах вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи ҳамда унинг қуйидаги филиаллари:	Ш.Рашидов тумани
	Зомин тумани тарихи музейи	Зомин тумани
	Ҳамид Олимжон ва Зулфия музейи	Жиззах шаҳри
	Шароф Рашидов ёдгорлик музейи	Жиззах шаҳри
6.	Қашқадарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи	Қарши шаҳри
7.	«Шаҳрисабз» давлат музей-қўриқхонаси ва унинг филиали:	Шаҳрисабз тумани
	Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳридаги «Мақом музейи»	Шаҳрисабз шаҳри
8.	Навоий вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи ҳамда унинг қуйидаги филиаллари:	Кармана тумани
	Кармана туман Қосим Шайх мажмуа музейи	Кармана тумани
	Қизилтепа туман тарихи музейи	Қизилтепа тумани
	Нурота туман табиий-меъморий мажмуа музейи	Нурота тумани
	«Сармишсой» давлат музей-қўриқхонаси	Навбахор тумани
9.	Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи ҳамда унинг қуйидаги филиаллари:	Наманган шаҳри
	Косонсой тумани тарихи музейи	Косонсой тумани
	«Муғтепа» археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш мажмуаси	Косонсой тумани

10.	«Самарқанд» давлат музей-қўриқхонаси ҳамда унинг қуйидаги бўлим ва филиаллари:	Самарқанд шаҳри
	Иштихон туман тарихи музейи	Иштихон шаҳри
	Каттақўрғон шаҳар тарихи музейи	Каттақўрғон шаҳри
	Мирзо Улуғбек музейи-мажмуаси	Самарқанд шаҳри
	Пахтачи туман тарихи музейи	Пахтачи тумани
	Садриддин Айний ёдгорлик уй-музейи	Самарқанд шаҳри
	Самарқанд вилоят ўлкашунослик музейи	Самарқанд шаҳри
	Самарқанд шаҳар тарихи «Афросиёб» музейи	Самарқанд шаҳри
	Ўзбекистон Маданияти тарихи давлат музейи	Самарқанд шаҳри
	Эргаш Жуманбулбул ўғли ёдгорлиги музейи*	Қўшрабат тумани
11.	«Термиз» давлат музей-қўриқхонаси	Термиз шаҳри
12.	Термиз археология музейи	Термиз шаҳри
13.	Сирдарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи	Гулистон шаҳри
14.	Тошкент вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи*	Нурафшон шаҳри
15.	Тошкент вилояти Ангрен шаҳар тарихи музейи	Ангрен шаҳри
16.	Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар тарихи музейи	Чирчиқ шаҳри
17.	Янгийўл шаҳар Усмон Юсупов мемориал уй-музейи	Янгийўл шаҳри
18.	Фарғона вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи ҳамда унинг қуйидаги филиаллари:	Фарғона шаҳри
	Марғилон шаҳар тарих музейи	Марғилон шаҳри
	Увайсий уй-музейи	Марғилон шаҳри
	Эркин Воҳидов уй-музейи*	Олтиариқ тумани
19.	«Қўқон» давлат музей-қўриқхонаси ҳамда унинг қуйидаги филиаллари:	Қўқон шаҳри
	Амалий санъат музейи	Қўқон шаҳри
	Буюк алломалар музейи	Қўқон шаҳри
	Ғафур Ғулом номидаги Қўқон адабиёт музейи	Қўқон шаҳри
	Муқимий хужра музейи	Қўқон шаҳри
	Хамза уй-музейи	Қўқон шаҳри
20.	«Ичан-қалъа» давлат музей-қўриқхонаси ҳамда унинг қуйидаги бўлим ва филиаллари:	Хива шаҳри
	Амалий санъат бўлими	Хива шаҳри
	Илмий-маърифий бўлим	Хива шаҳри
	Қадимги Хоразм маданияти бўлими	Хива шаҳри
	Қадимги Хоразм тарихи бўлими	Хива шаҳри
	Табиат бўлими	Хива шаҳри
	Мадраса тарихи бўлими	Хива шаҳри
	Тасвирий санъат тарихи бўлими	Хива шаҳри
	Халқ таълими тарихи бўлими	Хива шаҳри
	Хива хонлиги тарихи бўлими	Хива шаҳри
	Хоразм мусиқа тарихи бўлими	Хива шаҳри
	«Ўзбекистон–озод ва обод Ватан!» мустақиллик экспозицияси	Хива шаҳри

	Хунармандчилик тарихи бўлими	Хива шаҳри
	Ўзбекистон замонавий санъати музейи ва унинг қуйидаги филиаллари:	Урганч шаҳри
21.	«Хоразм тарихи ва маданияти» музейи*	Урганч шаҳри
	Комилжон Отаниёзов уй-музейи	Урганч шаҳри
	Урганч шаҳар тарихи музейи	Урганч шаҳри
22.	Ўзбекистон давлат табиат музейи	Тошкент шаҳри
23.	Маданият ва санъат кўргазмаси	Тошкент шаҳри
24.	Абдулла Қаҳҳор уй-музейи	Тошкент шаҳри
25.	Ғафур Ғулом уй-музейи	Тошкент шаҳри
26.	Камолиддин Бехзод мемориал боғ-музейи	Тошкент шаҳри
27.	Мухтор Ашрафий уй-музейи	Тошкент шаҳри
28.	Ойбек уй-музейи	Тошкент шаҳри
29.	Сергей Бородин уй-музейи	Тошкент шаҳри
30.	Сергей Есенин музейи	Тошкент шаҳри
31.	Тамарахоним уй-музейи	Тошкент шаҳри
32.	Ўзбекистон кино санъати тарихи музейи	Тошкент шаҳри
33.	Ўрол Тансиқбоев уй-музейи	Тошкент шаҳри
34.	Юнус Ражабий уй-музейи	Тошкент шаҳри

* Ташкил қилингандан сўнг бюджетдан маблағ ажратилади».

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.05.2019 й., 09/19/443/3214-сон)